

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси

№ 68 (11.129)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



МАМЛАКАТИМИЗДА АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 672 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «СОҲИБҚИРОН» НОМИДАГИ ХИЁБОНДА ШУ ҚУТЛУГ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУРЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЮРТИМИЗДАГИ ХОРИЖИЙ ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ, ШОИР ВА ЁЗУВЧИЛАР, ОЛИМЛАР, ТАЛАБА-ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Дилором Юсупова, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири Раҳматулла Гойибназаров, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тойир Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавияти асослари-

ни мустаҳкамлаш, миллий-маърифий қадриятларимизни, улуг аждодларимизнинг номларини тиклаш, ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, «бой маънавий меросидан барчани, айниқса ёшларни баҳраманд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг самараларини бераётганини таъкидладилар.

Соҳибқирон бобомиз улуғлаган ва ўзининг доимий шорига айлантирган эзгулик, ҳамжиҳатлик, қатъият, бунёдкорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик



тамоиллари бугунги кунда ҳам мустақил Ватанимиз маънавий ҳаётининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Ёшлар йилида ҳам ёш авлод келажаги ва камолоти йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда, жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларида амалга оширилаётган изчил ислохотларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топаётди.

Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ва аҳамияти дунё олимлари томонидан кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темур ғояларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, маънавиятимизга бўлган қизиқишининг халқаро миқёсда ортиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
 ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртиларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги бекиёс ўрни ва улкан хиссасини инобатга олиб ҳамда ушбу билим даргоҳи ташкил этилганининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2008 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмига таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмига бир ҳафта мuddат ичида ушбу санага бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун ва хомаҳанг равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратсин.

2008 йилнинг август ойида «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни юқори савияда ташкил этсин.

2008 йил сентябрь ойида «Ёшлар йили» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида мамлакатимиз олий ўқув юртилари талабаларининг фестивалини ташкил этишни таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Миллий университети мажмуаси ҳудудида байрам олдидан кенг қўламадаги қурилиш ва реконструкция, таъмирлаш ишлари олиб бориш, ўқув бинолари, талабаларнинг турар-жойлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини ҳар томонлама обод қилиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур санаги ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвир этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
 2008 йил 9 апрель

ВВС MONITORING (БУЮК БРИТАНИЯ) ЎЗИНИНГ ВЕБ-САЙТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ БУХАРЕСТ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИГА БАҒИШLANGAN MAҚОЛАНИ ЖОЙЛАШТИРДИ.

Унда, жумладан, «Афғонистонда салкам 30 йил давом этаётган фожели вазиятдан Ўзбекистон ташвишда эканлиги» таъкидланган. «Ўзбекистон давлати ва халқи Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, жафокаш афғон халқи тинч-осойишта ҳаёт кечирishi, бу мамлакатни барча этник гуруҳлар манфаатларини ифода-лайдиган ҳамда диний, миллий-этник, ижтимоий-сиёсий то-тувлики таъминлай оладиган куч бошқарилиши жуда хоҳлайди».

Мақолада ёзилишича, «Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бошлаб, Афғонистондаги вазиятни баҳолаш, юзага келган муаммоларни ҳал этишга кўмак кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларни, шунингдек, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш юзасидан аниқ таклифларни илгари суриб келмоқда. Расмий Тошкент томонидан Афғонистонга нечоғли эътибор қаратилаётгани Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг Афғонистон муаммоси борасидаги нутқ, интервью ва ташаббусларида ўзининг яққол инфо-

дасини топган». Президент Ислон Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда ўтган сам-

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПИШНИ ИСТАЙДИ

митида иштирок этгани ҳам бу фикр-ни тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида кўплаб давлатлар бошлиқларининг эътиборини Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чора-тадбирларга қаратди. «Бунда энг асосий вазифа – аҳолининг халқаро коалиция кучларига ишончини қозониш. Бунинг учун улар, аввало, афғон халқининг аънавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиши, кам сонли миллатлар манфаатларини эътиборга олиши зарур. Акс ҳолда ушбу мамлакатда тинчлик ва тотувликни кафолатлаш жуда мураккабдир».

Мақолада «Президент Ислон

Каримов нафақат Афғонистон, балки бутун муслмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймасликни фоят муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтгани» алоҳида таъкидланган. «Бу масалага эътибор-сизлик билан қараса, ҳар қандай куч, ҳоҳ у яқин тартибда ёки коалицион тартибда иш юритишдан қатъи назар, шак-шубҳасиз, ютқазди. Шунингдек, Афғонистон халқи демократия ва бошқа номлар билан никобланган, ўзгаларнинг сунъий равишда ўйлаб топилган турмуш тарзларини ҳам қабул қила олмайди».

ВВС Monitoring хулосасида қайд этилишича, «ҳозир узокда бўлса ҳам ўз манфаатини кўзлаб Афғонистон ҳақида «ташвиш» тартаётган давлатлар оз эмас. Аммо Ўзбекистон ва унинг халқи асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб, қардош ва қариндош бўлиб кетган халқнинг хонадонига, ҳеч қандай пинҳона мақсадни кўзламаган ҳолда, тинчлик ва фақат тинчлик тилайди. Шунинг учун Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов илгари сурган таклифлар афғон жароҳатига малҳам бўлади, дея умид билдирмоқдалар».

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкентда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа вазирликлари ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамкорлигида ўтказилган «Темурийлар даври ёшлар ижодида» кўрик-танлови якунланди.

• Адлия вазирлигида «Хуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш муаммолари ва ечими» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига бағишланди.

• Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида замонавий ахборот технологияларининг сўнги ютуқларини ўзида жамлаган видеоконференция тизими ишга туширилди.

• Навоий вилоятининг Хатирчи туманида сабзавот экинлари экиш ниҳоясига етди. Қисқа вақт ичида минг гектардан ортиқ майдонга картошка, пилёз, қарам, сабзи, бодринг ва полиз экинлари уруғи қадалди.

• Қасби тумани марказидаги ёшлар спорт мажмуасида «Саховатдан яшнайдиган кўнгли» номли хайрия тадбири ўтказилди. Унда ҳомилар томонидан 400 та кам таъминланган оилага қорамол берилди, касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган 200 нафар хотин-қизга тикув машиналари ҳадя этилди. Шунингдек, тумандаги 200 та ёш оиланинг ҳар бирига 1 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

• Фарғона шаҳрида Ёшлар йили муносабати билан «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ўзбек миллий кино санъати кўнлари» бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Ўзбекино» ижодкорлари томонидан яратилган энг сара ҳужжатли ва бадий фильмлар намойиши қилинди.

• Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига Германия Федератив Республикасида ташкилот томонидан бегараз ёрдам сифатида «Philips» фирмасида ишлаб чиқарилган «Brillians-ST-6» русумли компьютер томографияси тантанали равишда топширилди.

• Урганч тумани Юқори боғ қишлоғидаги «Пахлавон» спорт мажмуасида республика «Миллий ўйинлар» фестивали ўтказилди. Мазкур фестиваль «Камолот» ЕИҲ ташаббуси билан Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда миллий телерадиокорпорация ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Жанубий Корея парламентида сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу мамлакатда 37,8 миллион сайловчи бўлиб, улар 17 та сиёсий партиядан 1100 номзодга овоз бердилар. Сайловнинг илк натижалари шу ҳафта охирида эълон қилиниши кутилмоқда.

• Бугун Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ва БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун БМТ Хавфсизлик Кенгаши ислон ислон, Косоводаги вазият ҳамда Яқин Шарқда тинчликни сақлаш масалаларини ўзаро муҳокама қилдилар.

• Арманистоннинг янги Президенти Серж Саркисян республика ҳукуматида истефо бериш тўғрисидаги фармонга имзо қекди. Мазкур фармон Арманистон Конституциясига мувофиқ Президентнинг инаугурацияси ўтган кундан бошлаб кучга киради. Маълумотларга кўра, Арманистон Марказий банки раиси Тигран Саркисян ҳукумат раҳбари этиб тайинланиши мумкин.

• Саудия Арабистони қироли Абдулла бин Абдул Азиз ва Миср Президенти Хусни Муборак кеча Ливандаги сиёсий тангликни муҳокама қилишди. Учрашувда томонлар Ливандаги ҳозирги вазият, амалдаги ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш йўллари бўйича араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш масалалари бўйича фикр юритдилар.

• Филиппинда 9 нафар офицер мамлакат президенти Глория Макапагал Арройога қарши фитна уюштирилганлиги айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Суд ҳарбийларнинг икки нафарини 40 йил, қолган 7 нафарини эса 12 йилдан озодликдан маҳрум этди.

• Кеча Швейцариянинг Лозанна шаҳри атрофидаги трассада кучли ёмғир ва қуюқ туман натижасида юз берган улкан автоҳалокатда 70 та машина ўзаро тўқнашиб кетди. Автоҳалокат оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 18 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Кеча Олимпия машъаласининг Сан-Франциско шаҳридан олиб ўтилиши жараёни жуда кучли хавфсизлик қоралари қўлланилган ҳолда амалга оширилган бўлса-да, айрим нохушлиқлар ҳам рўй берди. Бугун «Пекин-2008» машъаласи Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрига етказилади.

• Испанияда кучли бўрон ва тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида ўн минглаб кишилар электр қувватисиз қолди.

Кечка сатрларда

- **ЎТГАН** кунини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнғин хавфсизлиги Олий техника мактабига ўтказилган тадбир «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» деб номланди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар чакирув-йиғув пунктида Миробод туманидан муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларни кузатиш маросими уюштирилди.
- **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ёш ўқитувчиси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси танлови ҳамда «Педагогик грантлар» танлови совриндори Одилжон Қўйсини бир неча мuddат Жапония таълим муассасаларида малака ошириш мақсадида кўриштирилди.
- **ЎТГАН** кунини Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ташаббуси билан адвокатур тизимини тақомиллаштириш йўлида

- **ЎТГАН** кунини Тошкент Кимё технологиялари институтида уюштирилган ёш кимёгарлар анжумани «Кимё –2008» деб номланди.
- **ШАЙХОНТОХУР** туманида яшовчи кам таъминланган оилалар аъзолари, меҳрга ташна болалар иштирокида ҳоми ташкилотлар кўмагида уюштирилган хайрия тадбири Наврўзга бағишланди.
- **БАНГКОҚДА** 12-19 апрель кунлари уюштирилаётган Бутунжаҳон яқакўрашлари фестивалида иштирок этадиган таъкидланди.
- **ШАХРИМИЗДА** 14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпиони беллашувлари қиз-қиз паллага кирди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган конференцияда шу ҳафта сўз юритилди. "Саломатлиқни иқлим ўзгаришларидан ҳимоя қиламиз" мавзусидаги ушбу тадбир Жаҳон саломатлик кунига бағишланди.

ИҚЛИМ ҲАМ СОҲИЯТЛИК

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАХНАМОЛИГИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲИСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. ШУ МАҚСАДДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, мамлакатимизнинг экология ва аҳоли саломатлиги масалалари билан шуғулланганидан жамоат бирлашмалари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров мамлакатимизда иқлимнинг таъкидлаб келинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бошланганини таъкидлади. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг илгор шакли ва услублари амалиётга жорий этилди. Республикаимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган шифохона тиббий ёрдам тизими ташкил этилди. Жойларда фаолият кўрсатаётган бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари, жумладан қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди, энг замонавий ташхис қўйиш ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Янги тиббиёт технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилмоқда, тиб-

биёт соҳаси кадрларини тайёрлаш сифати ошмоқда. Ушбу ислохотларни амалга оширишда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ақидан ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1992 йил аъзо бўлган.

Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, репродуктив саломат-

қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмланди. Бундан ташқари, самарали перинатал ёрдамни ривожлантириш, болалар касаллигини интеграциялашган ҳолда назорат қилишни жорий этиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини юксалтириш, Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик сувидан фойдаланишни яхшилаш каби бир қатор кўшма лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳоли саломатлигини яхшилашга оид ишлар бу борадаги шакланган қонунчилик базасига асосланган бўлиб, у давр талаби ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Тайяд Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини қайд этди.

Конференцияда бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Негаки, ҳозирги даврнинг иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ янги таҳдидлари кенг қўламли профилактика чораларини амалга оширишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу табиий жараённинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини қамайтириш имконини беради.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ТАДБИРКОРЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ БИЗНЕС-СЕМИНАР БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ИЙРИК ЙЎЛДОШ ОПЕРАТОРЛАРИДАН БИРИ - "ВЕБ МЕДИА СЕРВИС" ("HELIOSNET") КОМПАНИЯСИ УШБУ ТАДБИР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бизнес-семинарнинг ўтказишдан мақсад ўзбек тадбиркорларининг "HeliosNet" компанияси билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишдан иборат. Семинарда амалий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбекистондаги кулай сармоявий муҳит мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоялар кўпайишини рағбатлантираётгани таъкидланди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхоннинг таъкидлашича, "HeliosNet" компанияси телекоммуникация инфратузилимсини ривожлантириш бўйича кўшма дастурларни амалга оширишда ўзбекистонлик шериклари билан биргаликда иштирок этади. Бунда мамлакатимиз иқтисодиётига уч йил давомида 20 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритиш мўлжалланмоқда.

"HeliosNet" компанияси мижозларга кооператив тармоқини, IP-телефония, видеоконференция алоқалар ва масофавий ўқитишни ташкил этиш, шунингдек, тезкор интернетдан фойдаланиш хизматларини тақдим этади.

Юлия ГУСЕВА,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ТАЛАБ ВА ЭЪТИЁЖ АСОСИДА

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲАМДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАР ОРАСИДА ҒАЙРАТЛИ, ИШЧАН, ИЗЛАНУВЧАН ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ, АЛБАТТА.

Шаҳримизда 2005 йилдан фаолият юритаётган «Poyonoz-plus» масъулияти чекланган жамоати тадбиркорлари, ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, янги маҳсулот турлари яратилмоқда.

— Ҳозирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 15 хилдан ортиқ турдаги ширинликларнинг харидорлигини таъминлашда, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Абдор Тошмухамедов, — замонавий дастгоҳ, ускуналар, технологик линиялар маддадор бўлмоқда. — Айниқса, чиройли қадоқлилар, савдо нукталарига етказиб берилётган ширин тўроғ, шоколадли конфетларимиз мижозларни мамнун қилмоқда. Жумладан, сифатли вафли, печеньелар ҳам каттаю кичикка бирдай манзур бўлмоқда. Бундай муваффақиятларимиз замирида эса давлатимиз томонидан юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самараси мавжуд.

Эътиборли томони, жамоа аҳли ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланади. Шунингдек, корхона тадбиркорлари бозорни, харидор дид ва талабини етарлича ўрғанади. Демакки, корхона истиқболи йўлини тўғри белгиланган.

КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ЮЗАГА КЕЛМОҚДА. ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЙДИГАН БЕЖИРИМ, КЎРКАМ, МУСТАҲКАМ ВА РАҚОБАТБОР ШЕКАРЛИ ИЧКИ БАЗОРНИМIZДА МУНОСИБ ЎРНИ ЭГАЛЛАМОҚДА.

— Сифатли мебель маҳсулотлари нафақат хонадонларимиз кўрки, файзи, — дейди хусусий тадбиркор, уста мебелсоз Убайдулла Исроилов, — балки корхона, ташкилот, муассасалар, олий ўқув юртилари, мактаб, коллеж ҳамда ишхоналар, кўйинки ҳамма-ҳамма жойда зарур бўлган ашёлардан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг замонавий, анъанавий тарзда алоҳида тақлиф, мулоҳаза ҳамда бюртмалар асосида тайёрланиши эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Ҳар қандай ишнинг истиқболини белгилашда бозорни чуқур ўрганиш асосида талабга мос равишда маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини тўғри ангаган хусусий тадбиркор иқтидорли шогирдлари кўмағида шкаф, стол, компьютер учун махсус столча, ётоқхона термаларини замонавий хом ашё-лампагини қўллаган ҳолда тайёрламоқда. Унинг замонавий дизайнли чидамли, узоқ йиллар хизмат қилувчи мебеллари лицензияланган.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Санъат

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ФИЛЬМ

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ҲУЖУМЛИ ФИЛЬМЛАР СТУДИЯСИ ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН ЭКРАН АСАРИ «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОСИ» ДЕБ НОМЛАНДИ. ОРОЛ ДЕНГИЗИ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНИБ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН БУ ЯНГИ ФИЛЬМ ИСТЕЪДОДЛИ КИНОРЕЖИССЕР ҲОЖИМУРОД ВАЛИЕВНИНГ НАВБАТДАГИ ИЖОД НАМУНАСИ БЎЛДИ.

Ўзбек ва инглиз тилларида экранлаштирилган мазкур картинада томошабинни ташвишга соладиган ва ўйлантирадиган лавҳалар кўп. Ярим соат давом этадиган фильмда акс этган воқеалар орқали Орол фожиясига олиб келган сабаблар ҳам аниқ ва равшан ифодаланган.

Янги экран асари ижодкорлари архив материалларидан ҳам кенг фойдаландилар.

РАССОМГА ҲУРМАТ РАМЗИ

ИСТЕЪДОДЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАСИ АЛИШЕР МИРЗО ИЖОДИДА МАНЗАРАЛАР ТАСВИРИГА ОИД КАРТИНАЛАР АЛОҲИДА ЎРНИ ТУТАДИ. ЎЗИ ҚИШЛОҚДА ТУГИЛИБ ЎСГАН ЭМАСМИ ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИ УНИ МАФТУН ЭТИБ КЕЛАДИ.

«Хумсонда оқшом», «Сўқоқда байрам», «Сўқоқ кўри-нишлари» каби картиналар ҳам ана шу туйғу асосида юзага келди. «Сўқоқлик Лайли ва Мажнун» деб номланган асари эса бугунги турмуш тарзи доирасида талқин қилинган.

Рассомнинг бу каби энг яхши ижод намуналари чет элларда ҳам намойиш қилинган. Ҳиндистон, Япония, Испания, Италия каби мамлакатларда музейларда ҳам унинг асарлари бор.

Рассом Татьяна Немцович «Алишер Мирзо» деган портрет асарини яратиб уни таваллуд топган куни билан муборакбод қилди.

ОММАЛАШГАН СПЕКТАКЛЬ

ЎЗБЕКИСТОН РУС АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИ ЯНГИ АСАР БИЛАН БОЙИДИ. ТОМОШАБИНЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН БУ СПЕКТАКЛЬ ЁШ УКРАИН ДРАМАТУРГИ МАРИЯ ЛАДОННИНГ «ОДДИЙ ТАРИФ» ДЕГАН АСАРИ АСОСИДА САҲНА ЮЗИНИ КЎРДИ.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу асар Россиядаги талайгина театрлар томонидан постановка қилинган. Пойтахтимиздаги спектакль эса ўзига хос саҳнавий таҳлилда юзага келди. Санъаткор Елена Лопатко режиссёрлигида саҳналаштирилган машҳур постановка ёшларни ўзаро меҳр-мухаббатга чорлайди.

Ақбар АЛИЕВ

Тадбирлар

СОҲИБҚИРОННИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ «КИМКИ ЎЗБЕК НОМИНИ, ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИНИ, АДОЛАТПАРВАРЛИГИНИ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, УНИНГ УМУМБАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ, ШУ АСОДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧНИ АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСА, АМИР ТЕМУР СИЙМОСИНИ ЭЗЛАСИ КЕРАК» ДЕБ АЙТГАН ЭДИЛАР. АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА МАСКАНЛАРИДА БУЮК СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗНИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

XX. Ниёзий номидаги Республика musiқа коллежида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази ҳамда мазкур коллеж ҳамкорлигида бўлиб ўтган тадбир «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» деб номланди.

— Мазкур тадбир Соҳибқирон бобомиз таваллудиди-



нинг 672 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда. — дейди Х.Х.Ниёзий номидаги Республика musiқа коллежи директори Ботир Матёкубов. — Амир Темур доимо мураккаб сиёсий масалаларни уруш орқали эмас, балки сулҳ

йўли билан ҳал этишга интиланган, улкан ҳудудларни бирлаштирган, марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилган. Бунга Амир Темур, Мироншоҳ ва бошқа теурийларнинг хорижий давлатлар раҳбарлари билан олиб борган ёзишмалари шохидир. Бу мактубларнинг айримлари ҳозиргача Туркиянинг Фотих Сулаймон кутубхонасида, Франциянинг миллий кутубхонасида, Испания архивларида, Англиянинг Британия музейида сақланиб келмоқда. Соҳибқирон буюк дипломат, дўстлик ва тинчлик тарафдори бўлган. У ўз даврида жамиятнинг янгилаган. Меҳр-муруват ва дўстликни улуглаган. Зеро, унинг «Ким сенга дўстлик қилса, дўстлигини қўйма, унга меҳр-муруват, хайр-эҳсон, иззату икром кўрсат» каби оқилона айтилган сўзлари замирида ҳам қанчалар ҳаётий ҳикмат ётганини ўзингиз англаб олаверасиз...

Дарҳақиқат Амир Темур инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўйган. Унинг «Темур тузуклари»дан жой олган қоидаларини ўқиганингиз сари бунга амин бўлиб бораверасиз.

Тадбир давомида Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишланган саҳна кўринишлари барча йигилганларни бирдай ҳушнуд этди. Коллеж талабалари «Мустаҳзад», «На қилдим», «Ватаним», «Уч тор», Навоий ғазали билан айтиладиган «Қаро бўлибди» каби куй, кўшиқ ва рақслари билан тадбирнинг янада жонли ва сермазмун ўтишини таъминладилар.

Савол-жавобларга, қизиқарли, мулоҳазали фикрларга бой тарзда янқиланган саҳналаштирилган бадиий кеча жуда мароқли ўтди.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар.



“БАҲОР НАФАСИ” ЁШЛАР ИЖРОСИДА

РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА «ЁШЛАР ЁИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «БАҲОР НАФАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КОНЦЕРТ ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда ёш ижодкорлар томонидан миллий ва жаҳон мумтоз кўшиқчилик санъати намуналари ижро этилди.

— Концерт байрамида айнан талаб даражасидаги жаҳон ҳамда миллий кўшиқчиларимизнинг дурдона асарлари ёшлар томонидан ижро этилди. — деди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова. — Маънавий ва миллий қадриятларни тиклашда аҳамиятли бўлган шу ғоя концерт дастурида ўз ифодасини топмоқда.

Устоз ва шогирд анъаналари бугунги кунда мазкур даргоҳда ҳам изчил амалга оширилаётган бўлиб, асосий эътибор ёшларнинг шу азиз ва муқаддас ватанга садоқат ҳамда меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш масаласига қаратилган.

Бўлиб ўтган маданий тадбирнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки унда талабалардан ташкил топган консерваториянинг миллий халқ чолғу асбоблари оркестрининг жорий қилинганидир. Қалбларни тўқилантирувчи наволар ижросида бўлиб ўтган концерт дастури устоз ва шогирд анъаналари узвийлиги таъминланаётганининг амалий исботидир.

Рустам ХАЙДАРОВ,
“Туркистон-пресс”

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 163-МАКТАБДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЮНИСЕФ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «БОЛАГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТДАГИ МАКТАБНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ» МАВЗУСИДА УЧ КУНЛИК СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ШАҲАРДАГИ ЧИЛОНЗОР, ЯККАСАРОҒИ, СЕРГЕЛИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 25 ТА МАКТАБНИНГ ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРНИБСОСАРЛАРИ ҚАТНАШДИЛАР.

Тадбирни уюштиришдан мақсад ўқитувчиларни самарали бошқариш усуллари билан таништириш ва Болага дўстона муносабатдаги мактаб (БДММ) концепцияси ҳамда ёшларга йўналтирилган таълимга оид билимларни ривожлантиришдан иборат эди. Шу боис дастурда БДММ компонентлари, болага йўналтирилган таълим, муаммони самарали ҳал этиш жараёнлари, БДММ дарс тизими, мактабда ўз-ўзини баҳолаш, самарали мактаб таснифи, ўзгаришлар назарияси, бошқариш услублари

Марафонлар

СПОРТ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

МАЪЛУМКИ, ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН ҲАР ЙИЛИ БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АНЪАНАГА КЎРА «СПОРТ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК» ШИОРИ ОСТИДА ТАЛАБАЛАР МАРАФОННИ ЎТКАЗДИ.

Мазкур марафонда Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртиларининг талабалари, «Экосан» фаоллари, спорт фанричилари, шунингдек вазириликлар, жамоат ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари, ёш санъаткорлар иштирок этдилар. Экомарафоннинг тантанали очилишида «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг бирин-

Анжуманлар

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШИГА БАҒИШЛАНДИ

камраб олинган. Бу йўналишлар педагогларни фақат мактаб фанлари ўқитувчиларига эмас, балки том маънода болалар муаллимларига, «Мен ҳам билмайман, келинг, биргаликда билиб олайлик!» дейишга тайёр дўстга айлантиришга хизмат қилади. Глобал таълимнинг бу оқилона муҳити ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги муносабатни яхшилашга, ёшлар руҳиятини тўлақон ўрганишга имконият яратди.

Семинар давомида Мавлуда Исҳоқова ва Мамлакат Суфийбекова сингари мураббийлар ўзлари ўтказган қизиқарли дарслар жараёнида ҳамкасблари учун фойдали тақлиф-ғояларни ўртага ташлашди. Шунингдек, тарбияси оғир болаларнинг яшаш шароитини яхшилашга, соғлигини асраш, ўсиб-ўлғайиши, қўбиятини юзага чиқариш юзасидан жўяли фикр-мулоҳазалар билдириб, мактаб, ўқувчи, ота-она ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашнинг янгича йўллари ҳусусида сўз

юритдилар.

БДММ дастурини теран англаган ҳолда иш тутиш, дўстона таълимни билим масканларида кенг қўллаш анъанавий ўқитиш усулларига нисбатан юқори натижалар беради. Пировардидан таълим-тарбия самардорлигини ошириб, ўқувчи билан ўқитувчи, ўқитувчи билан ота-оналар ўртасидаги ўзаро ишончнинг янада мустаҳкамлини юзага олиб келади.

Семинар иштирокчилари тадбир ниҳоясида ўзлари сабоқ бераётган мактаб директорларига «Болалар мактабини қандай қилиб Болага дўстона муносабат мактабига айлантириш мумкин» деган мазмунда мувожазатнома тайёрладилар ва унда ўзларининг ушбу борадаги ишларини батафсил баён этдилар.

Санобар АЛИМОВА,
Тошкентдаги 300-иқтидорли ва қўбиятли ўқувчилар мактаби директори ўринбосари

бунда мослашув усулларини қўллаш талаб этилади.

Бўлиб ўтган экомарафон шуни кўрсатдики, ёши ва лавозимидан қатъи назар ҳар бир инсон шундай тадбирларда иштирок этиши мумкин. Шунингдек, спорт билан шуғулланиш, ҳар кун 5-10 километр пиёда юриш, югуриш инсон саломатлигини тиклайди ва узоқ умр бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу кунги тўрт мингдан зиёд киши иштирок этган марафон Ўзбекистон Миллий университети томонидан Маданият саройи майдонидан бошланди. Дастлаб 2300 метр масофага қизлар, сўнг ўғил болалар старт олишди. Марафон ғолиблари ва бошқа фаол иштирокчилар тадбир якунида «Экосан» халқаро ташкилотининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулором ҲАМИДОВА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тиббиёт масканларида

ОНА-БОЛА САЛОМАТЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПИРИШ ВА АЁЛЛАР СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ОИЛАНING ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ ЭНГ МУҲИМ УСТУВ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ 242-СОНЛИ «ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, АЁЛЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СОҒЛОМ АВЛОД ТУГИЛИШИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АММЛАГ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.



Аёллар учун энг катта қувонч, бу — оналик бахтига мушарраф бўлиш, соғлом фарзанд кўриш албатта. Бугунги кунда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болани дунёга келтириш борасида пайтахимида фаолият юритаётган тўғруқ мажмуалари, уларда туну кун она-бола қошида парвона бўлаётган қўли енгил ши-

фокору ҳамширалар, дояларнинг хизматлари беқиёсдир. Жумладан, шаҳримиздаги 6-тўғруқ мажмуаси фаолиятига назар ташлаб, бунинг ёрқин гувоҳи бўлдик. Мазкур тўғруқ мажмуаси 1959 йилда эски ётоқхона биноси негизда ташкил топган бўлиб, 1987 йилда саккиз қаватли янги бинога кўчиб ўтди ва ҳозиргача шаҳримиз аҳолисига самарали хизмат кўрсатмоқда.

— Тўғруқ мажмуасига асосан шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Ҳамаза туманлари аҳолиси бириктирилган бўлиб, бошқа туманлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади, — дейди биз билан суҳбатда 6-тўғруқ мажмуасининг бош шифокори ўринбосари Салоҳиддин Мўминов. — Мажмуада 225 ўрин мавжуд бўлиб, айна кунда янги туғилган чақалоқлар сони 72 нафарни ташкил этади. Утган йили эса мажмуада 372 та чақалоқ дунёга келган. Шунинг ҳам айтиш керакки, мажмуада I ва II акушерлик бўлими, катталар учун анестезиология, реанимация ва тезкор даволаш бўлими, чақалоқлар учун тезкор даволаш бўлими, реанимация бўлими, ҳомиладор аёллар бўлими, тезкор гинекологик ёрдам кўрсатиш бўлими мавжуд. Шунингдек, маслаҳат-ташхис поликлиникаси мавжуд бўлиб, бу ерда ҳомиладор аёллар, ўсимир кизларга юқори даражада махсус тиббий ёрдам кўрсатилади, маслаҳатлар берилди. Шу билан бирга бу ерда қон қуйиш ва клиник биохимия лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Мажмуа қошида Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Боров-

ский номидаги Тиббиёт коллежи кафедралари жойлашган бўлиб, бу ердаги етук мутахассислар билан ҳамкорликда аёллар ва болалар саломатлигини сақлаш йўлида самарали ишланнлар олиб борилмоқда. Шуниси қувонарлики, тўғруқ мажмуаси Япония элчихонасининг грантига сазовор бўлиб, янги туғилган чақалоқларни соғломлаштириш мақсадида реанимация бўлими замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланди. Катталар ва чақалоқлар бўлимларига сунъий нафас олдирувчи замонавий тиббий асбоблар, дефебрилятор — юрак тўхтаганда ёрдам берувчи аппарат, пульс оксиметр-томир уришини, қон босимини узлуксиз назорат қилиб турадиган аппаратлар шулар жумласидандир. Шунингдек, тўғруқ заллари янги туғилган чақалоқнинг тана ҳароратини мўтадил ушлаб турувчи иситиш мосламаси ўрнатилган. Булар албатта оналар ва болалар саломатлигини асраш, ўлим ҳолатларининг олдини олишда ёрдам беради. Ҳаммамизга маълумки, илгари янги туғилган чақалоқлар онасига уч кундан сўнг бериларди. Ҳозирги кунда бехатар оналик бўйича чақалоқлар туғилган заҳоти она қорнига ётқизилади ва она кўраги билан озиқланади. Бундан ташқари шериклик тўғруқ, тўғруқ жараёнида ҳомиладор аёлнинг эркин ҳолати, туғруқдан кейин она-боланинг бирга бўлиши, болани мўтлоқ кўрақ сути билан озиқлантириш, болани эркин овқатлантириш, чақалоқларни эркин йўргаклаш тизими асосида шифокорлар, акушер-гинекологлар, ҳамширалар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бу борада айниқса мажмуада она-бола саломатлигини сақлашда кўп йиллик тажрибага эга қўли енгил шифокорлар, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган Э.Тюнеева, Л.Макарова, С.Сергеева, М.Гатиналарнинг хизматлари алоҳида тахсинга лойиқдир. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар орасида ҳам касбига садоқат билан меҳнат қилаётган акушер-гинекологлардан Л.Валерий, Д.Саттаева, С.Нарзиёвалар оналар ва ёш авлод саломатлиги йўлида ўз билим ва тажрибалари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, бу йил тўғруқ мажмуасида тарих музейи ташкил этилди. Музей билан танишган одам албатта эски туғруқдаги тиббий анжомларни ва мамлакатимизда айна кунда янги қўйиладиган замонавий тиббиёт масканлари, бу ердаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таққослаб, мустикаллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар самарасига яна бир бор ишонч ҳосил қиладилар.

Дарҳақиқат, мазкур тўғруқ мажмуаси фаолияти билан танишарканмиз, бу ердаги тозалик, тартиб-интизом, она ва болага кўрсатилаётган самарали тиббий хизматни кўриб беҳад мамнун бўлдик.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: 6-тўғруқ мажмуаси фаолиятини даволатлар.
Наталья Семёнова олган суратлар

Сўранг, жавоб берамиз

БЕМОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Савол: — Мен яқинда шахар шифохоналаридан бирида ётиб, даволаниш. Даволаниш жараёнида бемор фойдаланиши лозим бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги қатор саволларимга шифокор ва ҳамширалардан қаноатланарли жавоб ололмадим. Шу боис беморнинг ҳуқуқлари ҳусусида батафсил маълумот беришингизни сўрайман.

Нуриддин Алимов, Юнусобод тумани

Жавоб: — Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва шундай ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

Шифокор ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-муруват кўрсатишлари;
Даволаш-профилактика муассасасини ва ўзини даволайдиган шифокорни танлаш;

Санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш ва парварош қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирига томонидан белгилаб қўйилган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;
Тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотларнинг сир сақланиши;

Тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

Ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда соғлигининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек, соғлигининг ҳолатига доир маълумотлар бўйича унинг манфаатини қўлаган шахсларни танлаш.

Ихтиёрий тиббий сугурта доирасида тиббий ва бошқа хизматлардан фойдаланиш;

Тиббий ёрдам олиш ҳақида соғлиқига зарар етказилган тақдирда қўрилган зарарнинг ўзининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

Ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсга, юқори бошқарув органи ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

БЕПУЛ ОВҚАТ КИМЛАР УЧУН?

Савол: — Қандай ҳасталикка чалинган беморлар даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинадилар?

Салима Гафорова, Юнусобод тумани.

Жавоб: — Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорига 1-иловада фуқароларни турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилувчи касалликлар рўйхати белгилаб берилган (пуллик касалхоналар ва бўлимлардан ташқари). Унга қуйидаги ҳасталиклар кирди:

- Онкологик касалликлар,
 - сил касаллиги,
 - руҳий касалликлар,
 - нурлиниш касаллигига чалинганлар,
 - мохов касаллиги,
 - замк,
 - югулли касалликлар,
 - ООВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС),
 - шоволин тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида беморларнинг шифохонада бўлиши чекланган муддатларнинг тасдиқланган мезонлари бўйича реанимация тадбирлари ва интенсив терапияни талаб этувчи ҳолатларда,
 - даражасидан қатти назар, қамқонлик ҳасталигига чалинган ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар,
 - эндокринологик касаллигига чалинганлар.
- Шунингдек, юқорида эслатилган қарорнинг 2-иловасида овқатланиш тўловидан озод қилинадиган аҳоли топқаларининг рўйхати ҳам берилган (пуллик касалхоналар ва бўлимлардан ташқари).

- Яъни:**
- болаликдан ногиронлар,
 - чин етимлар,
 - I ва II гуруҳ ногиронлари,
 - 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар,
 - Ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турувчи ёлғиз нафақахўрлар,
 - 1941 — 1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат фронти қатнашчилари,
 - Чернобыль АЭСИдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар,
 - байналмилал жангчилар,
 - 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсимирлар,
 - мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича 18-27 ёшли кишилар ёшдагилар.

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТЛИ КАСАЛЛИКЛАР НИМА?

Савол: — Базан газеталар саҳифаларида «Ижтимоий аҳамиятли касалликлар» деган атамга кўзимиз тушиб қолади. У нима дегани, бундай касалликларга чалинганлар қандай имтиёزلардан фойдаланадилар? Шулар ҳақида маълумот беришини истардим.

Нуриддин Хуснидинов, Бектемир тумани

Жавоб: — Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сонли қарорига 1-иловада ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхати берилган. Унга кўра:

- Сил, онкологик касалликларни, янгидан пайдо бўладиган таратки усимталар,
 - жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар,
 - СПИД,
 - Мохов ва руҳий касалликлар ижтимоий аҳамиятли ҳасталиклар сирасига кирди.
- Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 133-сонли «Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ва бундай касалликларга дучор бўлган шахсларга имтиёزلар белгилаш тўғрисида»ги қарорига 2-иловада шундай дейилди:

Касаллиги биринчи марта аниқланган беморлар учун сил касаллиги билан касалланиш оқибатида меҳнатга лаёқатсизлик бўйича касаллик варақаси бериш касаллик аниқланганда бошлаб 10 ойгача сил касалликлари муассасаларида ҳисобда турган беморларни текшириш ва ногиронлиқни белгилаш учун кейинчалик уларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га юборган ҳолда 6 ойгача.

Белгилаб қўйилсинки, сил касаллиги билан касалланиш оқибатида иш қобилиятини вақтинча йўқотган ходимларнинг иш жойлари ва ўртача ойлик иш ҳақлари тўлиқ сақланади.

Беморларга (берилган йўллама бўйича) даволаниш жойларига автотранспортда бепул бориш ва келишга ёхуд маҳаллий бюджет ҳисобидан поездда йўлга бир марта бориб келишга рўхсат этиши.

Ётоқхоналар ёки оиласи катта бўлган болали уйларда яшовчи беморлар учун навбатдан ташқари турар-жойлар бериши.

Сил касалликларига қарши диспансерларнинг белгилашга кўра сил касаллигига чалинган бемор бор бўлган оила-ларнинг соғлом болаларини болалар яслилари, боччалари ва мактаб-интернатларга навбатдан ташқари жойлаш.

Абдурауф ТОЖИЕВ, ҳуқуқшунос

БАҲОРГИ ТОЛИҚИШНИНГ ДАВОСИНИ БИЛАСИМИ?

МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА АСРЛАР ОША БИЗГА ЕТИБ КЕЛГАН БАҲОР ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ—НАВРЎЗНИНГ ЮРТИМИЗГА КИРИБ КЕЛИШИ ҲАММАМИЗГА БЕҚИЁС ҚУВОНЧ БАХШ ЭТМОҚДА.

Баҳорнинг илк шабадаси қиш уйқусида ётган бутун борлиқни ўзининг ҳаётбахш нафаси билан эркалатиб уйғотмоқда. Наврўз келиши билан она табиат беқиёс даражада гўзаллашиб, тоғ ва адирлар кўчк-кўчк майсазорлар, қийғос очилган лоплар, чўчмомаво боёнчақлар бутун тирик мавжудотни мафтун қилмай қўймайди. Баҳор фаслида катта-ю кичик она табиат билан янада яқин бўлишга ҳаракат қилади. Бу албатта табиийдир. Чунки биз ҳаммамиз она табиат фарзандларимиз.

Баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар ўз навбатида инсон организмига ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Шунинг учун бўлса керак, баҳорда турли ёшдаги кишиларнинг «шиқоятларини» эшитиб қоламиз. «Ухлаб уйкуга тўймаймиз», «Иш қилмасам ҳам чарчаб қоляпман», «Ҳеч қандай сабабсиз тинкам қурийдим» ва ҳоказолар.

Мана шу даврга келганда аҳоли ўртасида турли хил шомоллашлар, вирусли касалликлар, томоннинг яллиғланиши — ангина каби касалликлар кўп кайд қилинади. Шундай ҳолларни халқимиз «илик узилди» ибораси билан тўшунтиришга ҳаракат қиладилар. Бизнингча, мана шундай ҳолатнинг келиб чиқишига бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан инсон истеъмол қиладиган сабзавотлар ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетиши сабаб бўлади. Витамин сўзи лотинча бўлиб, «Вита» — ҳаёт деган маънони билдиради. Витаминларнинг озик-овқат маҳсулотларида кам бўлиши кишилар ўртасида гиповитаминоз касаллигининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда инсон организмиде турли хил касаллик чакирувчи микроорганизмларга қарши курашиш қобилияти кескин пасайиб кетади.

Ҳўш, бундай ҳолатнинг олдини олиш чораси борми?— деган саволнинг тўғрилиги табиийдир. Бундай ҳолат баҳор фаслида нисбатан кўп кузатилади. Демак унинг давосини ҳам баҳор фасли ўзи билан олиб келар экан. Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда турли хил ошқ-қўқлардан, она табиат, Наврўз тушфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлар—ялиғ, нана, жағ-жағ, кийик ўти, отқулқ, исма-лок, семиз ўтлардан турли хил сомалар,

Абдуваҳаб ТОХИРИЙ

Фойдали маслаҳатлар

ҚАТТИҚ АСАБИЙЛАШГАНДА...

БАЪЗИДА ҚАТТИҚ ҲАЯЖОНЛАНГАНДА ЁКИ АСАБИЙЛАШГАНДА КИШИНИНГ ЎЗИГА КЕЛИШИ, ТИНЧЛАНИШИ ҚИЙИН БЎЛАДИ. У ЯНА ВА ЯНА ЁҚИМСИЗ ВОҚЕАГА ҲАЁЛАН ҚАЙТАВЕРАДИ. БАТТАР АСАБИЙЛАШАДИ. БУНДАЙ ВАЗИЯТДАН ҚИҶБ КЕТИШНИНГ ОДДИЙ ЙЎЛИ МАВЖУД.

• Уйдан тоза ҳавога чиқинг. Гавдангингни ростланг, елкаларингизни кериб ва 3-5 дақиқа катта-катта қадамлар билан тез юринг. Бу фикрни бошқа нарсалардан чақитиб, барча мушаклар ва юракни фаол ишлашга мажбур қилади. Бир маромдан нафас олинг. Тўғри, нафас тезлашгани учун озроқ хансирайсиз. Бир неча бор бурундан нафас олиб, оғиздан чиқаринг.

• Шундан сўнг «тезликни камайтиринг», 1-1,5 дақиқа секин юринг ва яна тезлашинг. Бундай пайтда «пойга» уйнашингиз ҳам мумкин. Масалан, олдинда кетаётган одамдан ўзиб кетишга урининг.

• 3-5 дақиқадан кейин яна секинлашинг. Енгил, эркин қадам ташланг. Бир пайтнинг ўзида қўл, елка, қорин мушакларини таранглаштириб, сўнг бушатинг. Тўрт қадам таранглашган, саккиз қадам бўшаган ҳолда юринг. Бу машқларни бажара туриб, «мен тинчланапман», деган фикрни ўзингизга сингдиринг.

• Сайрчи кўтаринки руҳ билан яқунланган маъқул. Агар истасангиз, табассум қилишингиз, хандон отиб қилишингиз ёки шўх қўшқини хиргой қилишингиз мумкин. Ана шунда анча енгил тортасиз. Асабий зўриқшдан холи бўласиз.

БИЛИМ-МАЛАКА, МАСЪУЛИЯТ, ЮКСАК ЭЪТИБОР—БУ ХИСЛАТЛАРНИНГ БАРЧАСИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ III КЛИНИКАСИНИНГ НАТАЛЬЯ АНДРЕЕВНА ПИСЕЦКАЯ БОШҚАРАЁТГАН БАКТЕРИОЛОГИК ЛАБОРАТОРИЯ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУВАССАМДИР.

Айтиш керакки, ўз касбининг устаси Наталья Писецкая болалигидан шифокор бўлишни оруз қиларди. Зеро отаси, харбий шифокор Анд-

Албатта, ўз ишини аъло даражада биладиган заҳматқорларнинг меҳнатлари зое кетмайди. Профессор Эломон Мухамедов уни Тошкент Тиб-

Буларнинг барчаси кишидан пухта билим, катта ижодий тафаккурни талаб этади. Бир ишни битирдингми, унинг орқасидан бошқаси келади ва у ҳам албатта Тошкент тиббиёт академияси ректори Шавкат Каримов, академия III клиникаси бош шифокори Мурод Қодиров, бош шифокор ўринбосарлари Илсын Зиганшин ва Еркин Йўлдошев, микробиология кафедраси мудири Эломон Мухамедовлар то-

Заҳматқашларимиз

ТЎҒРИ ТАШХИС — ДАВОЛАШДА МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

рей Костиков саломатлигини тиклаётган беморлар чехраси миннатдорчилик тўғриси билан ёришиб кетиши, санитария-эпидемиология станцияси лабораториясида ишловчи ҳоласи Наталья Зинченконинг хар хил қолба ва пробиркалар билан кунт ва эътибор ила ишлашини кўп бор кузатиб, ҳаваси келарди. Шу сабабдан мактабини тамомлаганидан сўнг унинг олдида касб танлаш муаммоси кўндаланг бўлмади — қарори қатъий — тиббиёт соҳасидан кетади.

Тиббиёт институтини тугаллаганидан сўнг эса уни Ангрен тиббиёт билим юртига йўллашди. Тўғри, ўқитувчилик касби унга ёқарди. Бирок Наталья Андреевнани кўпроқ амалий фаолият ўзига тортарди. Ва имкон тугилиши биланқоқ ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани санитария-эпидемиология станциясининг бактериологик лабораториясига ишга ўтди. Бу ерда ўз соҳасининг ҳақиқий усталарига дуч келгани эса унинг омади юришганидан далолат эди. Ораддан уч йил ҳам ўтмади, лекин тиришқоқ Н.Писецкая касби сирларини пухта ўзлаштиргани холда тиббиёт институтлари ва билим юртлари талабалари, сўнг эса Наманган, Андордон, Фаргона ва республика-мизмизнинг бошқа шаҳарларидан тажриба оширишга келган бактериологлар билан амалий машғулларни ўтказ-за бошлади.

биёт академияси микробиология кафедрасига ишга тақлиф этди. Наталья Андреевнанинг амалиётчи-шифокор эканлигини ҳисобга олган ҳолда уни ҳам кафедрада дарс беришга, ҳам бакалаторияда фаолият кўрсатишга жалб эттиди.




бир текширувга алоҳида масъулият билан ёндошиш керак. Биз диагностика текширувлар, даволловчи шифокорлар билан консилиумлар ўтказамиз. Мамлакатимизнинг хар бир бурчагидан шифо истаб келаётган сурункали касалларнинг дардларига дармон топишга ҳаракат қиламиз. Лаборатория ходимлари микрорганизмларни ажратиб, уларни ўстирадилар ва у ёки бу микрорганизмларнинг антибиотикларга нисбатан таъсирчанлигини белгилайдилар. Бу иш кишидан ўта аниқлик ва хатога йўл қўймаслиқни талаб этади, зеро шифокорлар текширув натижаларидан фойдаланган ҳолда жиддий касалликларни даволашга киришадилар.

Лаборатория жамоаси ходимларининг барчаси бирга-лиқда улкан ва керакли ишни амалга оширадилар — шифокорларга таххисини тўғри қўйишга кўмаклашадилар, бу эса беморларнинг шифо топшишининг тўғридан тўғри йўлидир. Шу боис ҳам мамлакатимизнинг турли бурчак-

ларидан келаётган миннатдорчилик мактубларининг сони тобора ортиб бормоқда.

Наталья Писецкая ҳаётда бахт —бу кичик қувончларнинг йиғиндисидир ва бунда албатта болалар муҳим ўрин эгаллайди, деб ҳисоблайди. Унинг ўғли Юрий Валерьевич Тошкент давлат техника университетини автоматлаштирилган тизимлар бошқаруви кафедраси доцентини, қизи Антонина-нинг эса онаси йўлини давом эттириб Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультетининг VII курсида тақли олди-лиқдан фахрланади. Атрофиде эса одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда масъулиятли вазифа топширилганлигини чуқур ҳис этувчи ҳам-касблари жамул-жам эканлиги ҳам жонқур саломатлик посбонининг бахтидир.

(Ўз муҳбиримиз) **СУРАТЛАРДА: Наталья Писецкая навбатдаги текширув пайтида; лаборатория фаолиятидан лавҳа.**





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ ХИКМАТЛАР

Дунё аслида шу: айланар фалак,
Гоҳ баланд кўтарар, гоҳ қилар ҳалак.

Хар куни оз-оздан бажарса ишин,
Охири мақсадга етар ул киши.

Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Кўлингдан келганча тера олсанг бас!

Душман кўплик қилар битта бўлса ҳам,
Дўстинг юз бўлса-да, минг бўлса-да кам.

Афсуски, жаҳонда хирадмандларнинг
Фарзандлари бор-у, эмас хирадманд.
Отада одобу билим бўлса ҳам,
Ундан насибасиз қолибдир фарзанд.

Топганингни ўзинг е ва кўргил баҳам,
Бахтлидир борини бўлишган одам.

Давлатдан керилиб, гердайма андак,
Сендайин жуда кўп кўрди бу фалак.

Бойлик, йўқчиликда дунё аҳлини
Токай ҳисоблайсан хасис-лаим, деб.

Дунёдан тамаъни узган чоғингда
Билурсан жаҳонни буткул карим деб.

Бу дунё омонат, ҳаммамиз меҳмон,
Хасисларча кўнгил боғламоқ хато.

Фойда келтирмайди кишилар базми,
Қабр ичида ўзинг қолганда танҳо.

Тўрт нарсани берди менга оқилларча
ўйламоқ:
Тансихатлик, яхши одат, яхши ном,
яхши фикр.

Тангри кимга қилган бўлса бу тўрт
нарсани насиб,
Мангу шодлик билан яшаб, ғам емаса
ҳам арзир.

Тирилик хоҳ қисқа, хоҳ бўлса узун,
Бошга тушар ўлим охири бир кун.

У қила олади ўз билганини,
Сиртмоқ солиб сени қилибдур тутқун.

Тириклингни хоҳи кулфатли ўтса,
Хоҳи ўтса нозу неъматда бутун.

Хоҳ бир қарич тупроқ олсанг дунёдан
Хоҳ Ҳижоздан Райга қадар бус-бутун,

Бор йўғинг ҳаммаси бир туш кабир,
Тушда ҳеч бўлмайди ишончи мазмун.

Буларга боққанда ажратолмайсан,
Бирдан-бирини, ўлим келган кун.

Шу оддий кўз билан боқмағил, балки
Билим кўзи билан боққил жаҳонга.

Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан
Кема ясаб ўтгил нари томонга.

Жаҳон шундай эди, аввал бошидан,
Азалдан то охир шундай қолади.

Гоҳ тожу тахт бериб, кўтарар чунон,
Кўплар сени кўриб, ақли толади.

Сўнгра заиф жонинг ер билан қориб,
Бошингга неча хил бало солади.

Кўргазмалар

Кўп йиллик ижоди мужассам

Яқинда тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон бадиий академияси, «НИКОН» компанияси ваколатхонаси, «MEDIA Lahd», «ASIA TRAVE» компаниялари кўмағида Ўзбекистонлик таниқли фоторассом Владимир Жириновнинг «УЧРАШУВЛАР» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Владимир Жиринов республика миқёсида ва АҚШ, Германия, Япония ва бошқа хорижий давлатларда ўтказилган кўлаб турли даражадаги нуфузли фотокўргазмаларда қатнашиб, юқори мукофотларга эга бўлган ва ўз ишининг устаси деб тан олинган ижодкордир. Фотокамерани моҳирона ишлата билиши унинг халқаро фотолойиҳа, кўргазмаларда ўз асарлари билан қатнашиши, ҳайбат аъзолигига тақлифлар олишига сабаб бўлади. 2005 йил у Халқаро ижодий фотография ташкилоти/FLAP/ раҳбарлигида ўтказилган халқаро ижодий кўргазмада ҳайбат аъзоси сифатида иштирок этди.

Томошабинлар ҳумига ҳавола этилаётган шахсий кўргазмасида фоторассомнинг кўп йиллар давомида фотосанъатининг турли йўналишларида ишланган 100 дан зиёд асарларини кўришингиз мумкин.

Владимир Жириновнинг манзара асарлари тугалланган рангтаасвир ишини аниқлатади. Бунга унинг диёримизнинг турли бурчақларида олинган суратларини кўриб амин бўлишингиз мумкин. Шунингдек, Чорвоқ тоғларининг мафтункор кўринишлари, Туркия, Россия, Хитой каби мамлакатларнинг манзарали йўллари акс

эттирилган фотосуратлари кишида ажиб бир кайфият уйғотади. Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларининг ажайиб оқ-қора суратлари эса бадиий графикада ишлангандек таассурот қолдиради.

Босфор кўрφαзи узра канот ёйган қуш, сакраётган қизча, кучли эсаётган шамол, ажабтовур қатор тизилган қалдирғочлар акс эттирилган суратларда аниқ ҳаракатнинг кўзга кўринмас оларини ушлаб қолиши учун ҳаракати сезилади.

Фоторассомнинг турфа рангларга бой миллий аъналарга хос либослардаги кишилар таасвирланган этнографик асарлари халқ ҳаётидан олинган бир кўринишдир. Бу суратларда ҳеч қандай кўшиб-чатиш йўқ. Улоқдаги чавандознинг, сумалак пишираётган аёлларнинг психологик ҳолатлари ўзича берилган бу фотосуратлар этнограф учун бебаҳодир.

В. Жиринов томошабин эътиборини чексизликнинг муҳим кичкина деталига қаратишни ёқтиради. Масалан, Истамбулдаги маич пештоқидида қатталаштирилган арабча ёзувлар, тош йўлакнинг бўлаги ва хатто объективга беҳос тушган қуёш нуридан парча шулар жумласига қиради.

Кўргазма экспозицияси В. Жириновнинг компьютерли фотоколлаж йўналишида ишланган кечки тоғнибағридаги гулхан таасвирланган илк асари сунъий қурилма эмас, ҳаётининг кўринади. Муаллиф бугунги кунда реклама, китоб графикасида кенг қўлланилаётган замонавий фотографиянинг турли усулларида кенг фойдаланади.

Суратларни бирма-бир томоша қилар экансиз, фоторассомнинг дидаги, у ишлаган расмларнинг турфа хиллигига қараб ҳайратингиз ошавради.

Константинополдаги машҳур муқаддас София ибодатхонасида олинган қатор суратларда эса, фаришталар кўринишидаги нури соялар таасвирланган. Бу суратларда рассомнинг 25 йиллик ижодий фаолияти давомида яратилган асарларида санъатнинг энг юксак сифатларини акс эттиришда унга илоҳий кўмак берган виртуал фаришталар таасвирланган бўлса не ажаб.

Мазкур кўргазма 15 апрелгача давом этади.

Гулчехра САТТОР қизи
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
“ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ”**

Жорий йилнинг 11 апрель кунидан бошлаб 21 апрель кунига қадар Россия Федерациясида шартнома асосида ишлаш истагида бўлган оддий ишчи, юк ташувчи ва электрғазлайвандчи мутахассислигига эга бўлган фуқаролар Тошкент Минтақавий Бюросига мурожаат этишлари мумкин!

Электрғазлайвандчи мутахассислигига қўйиладиган талаблар:

- Ёши - 20 - 50 гача;
- Кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси 3 йилдан кам бўлмаганлар;
- Рус тилини билишлари шарт.
- Ойлик маоши – энг кам иш ҳақи 11 000 - 20 000 рубль.

Қадоқловчи, фаррош, юк ташувчи ва бошқа мутахассисларга қўйиладиган талаблар:

- Ёши - 20 - 48 гача;
- Кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси шарт эмас;
- Рус тилини билишлари шарт.
- Ойлик маоши – энг кам иш ҳақи 6 720 рубль.

Оддий ишчи, ғишт терувчи, пайвандчи ва монолитчик мутахассисларига қўйиладиган талаблар:

- ёши - 25 дан 35 гача;
- Кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси шарт эмас;
- Рус тилини билишлари шарт.
- Ойлик маоши – энг кам иш ҳақи 10 000 – 15 000 рубль.

Тикувчи, бичувчиларга қўйиладиган талаблар:

- Иш малакаси 1 йилдан кам бўлмаган, 4-5-6 тоифали мутахассислар;
- Эркак ва аёллар қўйлақларини тикувчилар;
- Тикиш-бичиш ускунаси билан ишлаш малакаси бўлган мутахассислар;
- Ойлик маоши — энг кам иш ҳақи 10.000 — 12 000 рубль.

— Темир кесувчи ускуналар билан ишловчи чилангар ва фрезеровшик мутахассислигига қўйиладиган талаблар:

- 4 ва 5 тоифали мутахассислар.
- Ойлик маоши — энг кам иш ҳақи 15 000 рубль.
- Пармаловчи (токарь расточник). ЧПУ ускунаси бошқарувчиси ва механизмларни йиғув иши бўйича чилангар мутахассислигига қўйиладиган талаблар:
- Иш малакасини тасдиқловчи ҳужжат, 4-6 тоифали мутахассислар;
- Ойлик маоши — энг кам иш ҳақи 15 000 – 20 000 рубль.

Қўйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- 1.Паспорт(асли) ва нусхаси - 5 дона;
- 2.Ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси - 2 дона;
- 3.Сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси - 2 дона;
- 4.Меҳнат дафтари (асли) ва барча бетлари нусхаси - 2 дона;
- 5.Расм 3x4 – 6 дона (конвертда).

(Меҳнат дафтари ва диплом ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бўлиши лозим)

Ҳужжат ва аризалар қўйидаги манзилларда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона; Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида. Маълумот учун телефонлар: (998 71) 234-44-13, 227-08-78.

Футбол

«ҚУРУВЧИ» — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ «ПАХТАКОР» ВА «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАЛАРИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ ГУРУҲ БАҲСЛАРИДА ГАЛАБА ҚОЗОНИБ ЎЗ МУЖЛИСЛАРИНИ ХУРСАНД ЭТИШДИ.

Тошкентда Ироқнинг «Арбил» жамоаси билан куч синашган Равшан Ҳайдаров шоғирдлари комбинацияда чиройли ўйин намойиш этишди. Майдонда тезкор ҳаракат қилиш, тўпни бир-бирига аниқ узатиш, рақиб дарвозаси олдида ҳавфли ҳужумлар уюштириш бобида устунлик қилган пахтакорчилар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасига жавобсиз иккита гол йўллашга муваффақ бўлишди. Иккинчи бўлимда Сунонов ва Гейрих томонидан рақиблар дарвозасига киритилган голлар «Пахтакор» жамоасининг 2:0 ҳисобидаги муҳим галабасини таъминлади.

Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоаси билан меҳмонда беллашган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоасига ҳам омад кулиб бокди. Учрашув мобайнидаги тезкор ҳаракат, бир-бирига аниқ тўп узатишлар, мезбонлар дарвозасига уюштирилаётган ҳавфли ҳужумлар самара берди. Биринчи бўлимда Жасур Ҳасанов ва иккинчи бўлимининг 65-дақиқасида Темуру Копадзелар томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган голлар «Қурувчи» жамоасининг 2:0 ҳисобида сафарда галаба қозонишини таъминлади. Ушбу гуруҳдаги «Ал-Иттиҳод» — «Сепакон» ўртасидаги ҳам 2:1 ҳисобида Саудия Арабистони жамоасининг галабаси билан аяқланди. Гуруҳда 6 тадан очко жамғарган «Қурувчи» ва «Ал-Иттиҳод» жамоалари ҳозирча биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Биз эса футбол муҳлислари номидан «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоаларига келгуси ўйинларда ҳам аjoyиб галабалар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлашга йўналтирилган ҳолда аҳолининг Ҳарбий прокуратура органлари билан ўзаро алоқаларини янада жипс йўлга қўйиш мақсадида махсус «Ишонч телефонлари»ни жорий этди. Қўйида уларни эълон қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси: 8(371)-232-01-71;
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси: 8(371) 232-01-65.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2008 йил 29 апрель кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ҚўЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАЙТАДАН ҚўЙМОҚДА:

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2007 йил 25 декабрдаги ЖСК 1-1184/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманида жойлашган «Севзор» автотранспорт воситалари жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30С1973 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «DAEWOO LIGANZA» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. **Бошланғич баҳоси-16 792 000 сўм.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2008 йил 24 январдаги 1522/15-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Жарариқ» автотранспорт воситаларини сақлаш жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Х3200NM бўлган, «БМВ-320» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси-10 000 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилиги иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган ариза ва закалат пуллари қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳужаев кўчаси, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DV001-000010.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан «Тошкент оқшом» газетасининг 2008 йил 25 мартдаги 57-сонидида эълон қилинган, Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2008 йил 21 январдаги 967/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри Сергели тумани, Спутник-7/9 мавзесида жойлашган Сергели туман жиноий ишлари бўйича суди ҳовлисида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами мавжуд эмас бўлган, техник носоз ва двигател рақами F8C340203, «Тико» русумли автотранспорт воситаси савдолардан олинганлигини маълум қиламиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари хар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-55. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси ва касабата уошмаси тиббий-педагогика ва стоматология факультети нормал патологик физиология ва патологик анатомия кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори **Нусрат Ҳамидович АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3350 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6